

Тошкент шаҳри

“22” август 2022 йил

Харид комиссиясининг (22110006127447-сонли лот бўйича 2022 йил 20 августдаги баённома) қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасасининг, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, Устави асосида фаолият юритувчи директор Б.Исламов, бир томондан ва “WORLD TECH” МЧЖ, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи директор Ш.Арабов иккинчи томондан, шунингдек, шартномада “томон” сифатида алоҳида ва биргаликда “томонлар” деб юритилади, ушбу шартномани қуйида келтирилганлар бўйича туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Ижрочи” ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-иловага мувофиқ, “Товарлар”, миқдори ва бошқа хусусиятларига кўра, 2-иловадаги техник тавсифларга тўлиқ мос келадиган “Товарлар”ни 3-иловада кўрсатиб ўтилган манзилларга етказиб бериш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса ушбу шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ МИҚДОРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича “Ижрочи” томонидан етказиб бериладиган “Товар”нинг умумий миқдори, 15 фоиз қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда қўшиб ҳисоблаганда **8 975 179 460,00 (саккиз миллиард тўққиз юз етмиш беш миллион бир юз етмиш тўққиз минг тўрт юз олтмиш) сўмни** ташкил этади.

2.2. “Товарлар” учун ҳисоб-китоблар “Ижрочи”нинг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.

2.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзоланган ва Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 15 (ўн беш) календар кун мобайнида шартнома умумий суммасининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида “Ижрочи”га аванс тўлов сифатида олдиндан тўловни амалга оширади, агарда “Ижрочи” томонидан ушбу шартноманинг 2.6. бандида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилган бўлса.

2.4. Кейинги тўловлар “Буюртмачи” томонидан 2.3. бандга асосан тўланган аванс тўлов сифатида олдиндан тўлов суммасидан кам бўлмаган миқдордаги тугалланган товар партиyasi етказиб берилгандан ва шартноманинг 2.5. бандида белгиланган тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 30 (ўттиз) календар кун ичида “Ижрочи”га тўлаб берилади.

2.5. “Товар”лар умумий миқдорининг қолган қисми “Ижрочи” томонидан товарлар тўлиқ етказиб берилгандан сўнг, тақдим этилган ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралари, “Товар”ларни қабул қилиш далолатномалари ва (мутахассис) лаборатория ҳулосаларига мувофиқ 30 (ўттиз) календар кун ичида “Ижрочи” ҳисоб рақамига ўтказилади.

2.6. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг махсус ҳисоб рақамига мазкур шартнома тузилганидан 5 (беш) банк иш кунидан кечикмасдан пул маблағлари кўринишидаги “Товар” умумий суммасининг 3 (уч) фоизи миқдоридаги кафолат суммасини ўтказиш мажбуриятини таъминлаши шарт.

Мазкур мажбурият “Ижрочи” томонидан бажарилмаган тақдирда “Буюртмачи” шартноманинг 2.3., 2.4. ва 2.5. бандларида белгиланган муддат ўтганидан қатъий назар аванс тўлов сифатида олдиндан тўловни ёки навбатдаги тўловни амалга оширмасликга ҳақли.

2.7. Кафолат миқдори “Ижрочи”га ушбу шартнома шартларига мувофиқ белгиланган муддатларда миқдор ва сифат бўйича “товарлар” тўлиқ етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин қайтарилади.

2.8. “Ижрочи” ушбу шартномани имзолаш орқали кафолат суммаси қайтарилган пайтда кафолат миқдоридан пеня, жарима тўловлари ва “Буюртмачи”га етказилган зарар миқдорининг ушлаб қолиниши бўйича “Буюртмачи” сўзсиз ҳуқуқга эга эканлигини ўз розилиги билан тасдиқлайди.

III. ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. “Ижрочи” аванс тўлов сифатида олдиндан тўлов унинг ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб товарларни етказиб беришни бошлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек, “Ижрочи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ шартнома имзоланган пайтдан бошлаб “Товар”ни етказиб беришни бошлаш ҳуқуқига эга.

3.2. “Товар”ларни етказиб бериш - аванс тўлов сифатида олдиндан тўлов тўлаб берилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун ичида амалга оширилади. Товарни етказиб беришнинг сўнгги муддати 60-(олтмишинчи) кун ҳисобланади.

3.3. “Ижрочи” “Буюртмачи”ни товарни етказиб беришга тайёрлиги тўғрисида камида 5 (беш) календар кун олдин хабардор қилади.

3.4. “Товар”ларни “Буюртмачи”га етказиб бериш (транспорт ва бошқалар орқали) “Ижрочи”нинг маблағлари ҳисобидан белгиланган манзилга олиб бориш орқали амалга оширилади.

IV. ТОВАР СИФАТИ ВА КАФОЛАТИ

4.1. “Ижрочи” етказиб берилган товарларнинг харид ҳужжатларида белгиланган техник стандарт ва шартларга ҳамда мазкур шартнома шартларигага мос келишини кафолатлайди.

4.2. Товарнинг сифати ҳамда миқдори шартноманинг 5.2. бандига мувофиқ “Товар”ни етказиб бериш манзилида текширилади ва қабул қилиб олинади.

4.3. “Ижрочи” лот бўйича топшириладиган ҳар бир партияга (мажбурий сертификацияга тегишли товарлар) “Товар” номи ва миқдори кўрсатилган мувофиқлик сертификати ва санитария-эпидемиология хулосасини тақдим этиши шарт.

Етказиб бериладиган “Товар” техник шартларга мувофиқ ўралиши керак.

4.4. Мажбурий равишда, ҳар бир етказиб бериладиган товар ҳар бир товар учун техник топшириқ бўйича талаб қилинадиган белгига эга бўлиши керак.

4.5. “Ижрочи” шартномада келишилган товарлар учун 12 (ўн икки) ойлик кафолат муддатини тақдим этади. Кафолат муддатининг ўтиши товар қабул қилинган кундан бошлаб ҳисобланади.

4.6. Кафолат хизмати “Ижрочи” мутахассисининг товарнинг ўрнатилган (етказиб берилган) жойида алмаштириш ёки таъмирлаш йўли билан амалга оширилиши керак. Етказиб берилган товарнинг кафолат муддати давомида нуқсони ёки носозлиги келиб чиққанда, “Ижрочи” 15 (ўн беш) кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни алмаштириш ёки таъмирлаш мажбуриятини олади. “Ижрочи” “Буюртмачи”га республика ҳудудларига етказиб берилган товарларнинг кафолат хизматини бажарадиган ташкилий тузилмасини тақдим этиши керак.

“Ижрочи” кафолат муддати давомида товарларни алмаштириш ёки таъмирлаш мажбуриятини бажармаса, товар миқдорига тенг зарар пулини қоплаб беради.

4.7. Етказиб берувчининг ушбу шартномада назарда тутилган кафолат мажбурияти харидор томонидан товарни нотўғри ишлатиш натижасида келиб чиқадиган нуқсонларга нисбатан қўлланилмайди.

V. ТОВАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

5.1. “Товар”ни қабул қилиш - “Буюртмачи”нинг “Ижрочи” вакиллари иштирокида тузилган қабул комиссияси томонидан шартномада “Товар”га қўйилган талаблар доирасида амалга оширилади.

5.2. “Товар”ни қабул қилиб олиш натижалари бўйича товарларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Етказиб берилган товарларнинг ушбу шартнома шартларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади ҳамда дарҳол “Ижрочи”га тақдим этилади.

“Ижрочи”нинг айби билан етказиб бериш вақтида “Товар”нинг бузилиши ёки йўқолиши учун “Ижрочи” жавобгар бўлади. Йўқотилган ёки бузилган “Товар”лар етказиб берувчининг ўрнига янги маҳсулотни тақдим этиши орқали ўз ҳисобидан қопланади.

5.3. “Ижрочи” аниқланган камчиликларни далолатномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этишга мажбурдир. “Товар”ларни қабул қилиб олиш муддати қабул қилиб олиш тўғрисидаги ёки камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан юборилган ҳисоб-фактуралари асосида аниқланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. “Ижрочи” мажбур:

- ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига “Товар” умумий суммасининг 3 (уч) фоизи миқдоридан кафолат суммасини ўтказишга;

- “Буюртмачи”ни товарни етказиб беришга тайёрлиги тўғрисида камида 5 (беш) календар кун олдин хабардор қилишга;

- “Буюртмачи”га “Товар”ни ушбу шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда етказиб беришга;

- агар “Товар”ни етказиб бериш жараёнида белгиланган намунадагидан ва ушбу шартнома шартларида белгиланган талаблардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талабига биноан 10 кунлик муддат ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этишга;

- товарни унга тегишли бўлган жиҳозлари билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатлар (сертификатлар ва ҳ. к.) билан тақдим этишга;

- “Товар”нинг ундан фойдаланиш ва сақлаш вақтида техник шартларга мувофиқлигини кафолатлашга ва кафолат муддати давомида “Буюртмачи” томонидан аниқланган камчиликли маҳсулотларнинг нуқсонини бартараф этишга ва барча харажатларни ўз зиммасига олишга.

- ушбу шартномада белгиланган товарларнинг ўз муддатида ва тегишли техник стандартлар асосида етказиб берилишини мониторинг қилишда “Буюртмачи”га тўсқинлик қилмасликка;

- ушбу шартномада кўрсатилган шартнома мажбуриятларини бажаришга.

6.2. “Буюртмачи”:

- ушбу шартномада белгиланган муддатларда етказиб берилган товарларни қабул қилиш ва ўз вақтида тўловларни амалга ошириш;

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

7.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффилианган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффилианган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

7.2. Томонда ушбу шартноманинг 7.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун



хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. “Ижрочи” товарларни етказиб беришни кечиктирса ёки умуман етказиб бермаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми миқдорининг 0,5 % (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий миқдори мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 % (фоизи) дан ошмаслиги керак. Пеня тўловларини тўлаш шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.2. Агар етказиб берилган товарлар стандартларга, техник шартларга, харид савдоларида тақдим этилган наъмуналарга, сифат, ассортимент, нави жиҳатидан, қонунчиликда ёки ушбу шартномада ўрнатилган бошқа мажбурий шартларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” “Товар”ни қабул қилишни ва ҳақини тўлашни рад қилишга ҳақли, бундай ҳолатда “Ижрочи” “Буюртмачи” га рад этилган товарлар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди ва товарни харид савдоларида тақдим этилган намуналар ва сифат бўйича бошқа мажбурий шартларга жавоб берадиган товарга алмаштириши керак.

8.3. “Буюртмачи” етказиб берилган товарлар учун (расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралари, “Товар”ларни қабул қилиш далолатномалари ва (мутахассис) лаборатория ҳулосаларига асосан) тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, “Ижрочи”га кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан кўп бўлмаслиги лозим.

8.4. Ушбу шартномада назарда тутилган пеня ва жарима санкцияларидан ташқари, “Ижрочи”нинг шартномада белгиланган мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибати шартнома бекор қилинганда ёки “Товар”ни етказиб бериш муддати бир ойга (30 кунга) кечиктирилганда кафолат суммаси “Ижрочи”га қайтарилмайди.

8.5. Етказиб берилган “Товар” учун тўловлар бюджетдан маблағлар ўз вақтида ажратилмаганлиги ёки “Буюртмачи”га тегишли бўлмаган бошқа сабабларга кўра ўз вақтида тўланмаслиги учун “Буюртмачи” жавобгар бўлмайди.

8.6. Ушбу шартнома ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.7. Агар томонлар ўзаро келишувга келишмаса, шартнома бўйича келиб чиқадиган барча низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилишига келишдилар.

IX. ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР

9.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

9.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва томонлардан бирининг мажбуриятларини бажарилишига таъсир қилувчи қутилмаган ҳолатлар киради.

9.3. Томонлар фавқулодда вазиятлар ва уларнинг йўқотишларини тасдиқловчи хужжатларни талаб қилиши мумкин. Тегишли ваколатли орган томонидан берилган тегишли хужжат форс-мажор ҳолатларининг мавжудлиги ва давомийлигини етарли даражада тасдиқлайди.

9.4 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

9.5. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади.



Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

Х. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

10.1. Ушбу шартнома имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар, 2023 йил 31 декабрдан кечиктирмасдан амал қилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати қушимча келишув асосида узайтирилиши мумкин.

10.2. Агар бир томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган бўлса, ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонларнинг бирининг талабига биноан бир томонлама тартибда бекор қилиниши мумкин.

Шартнома шартларини жиддий равишда бузиш деб махсулотларни етказиб бериш учун белгиланган муддатни бир ойдан (30 кундан) ортиқ муддатга бузилиши ҳамда умумий товарнинг 20 %дан ортигини белгиланган техник талабларга жавоб бермайдиган ҳолатда топшириш ҳисобланади.

10.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклиф юборилганидан кейинги 5 (беш) кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

10.4. Ҳеч бир томон ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг олдиндан ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўтказишга ҳақли эмас.

10.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.6. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар фақат ёзма равишда тузилган ва ҳар икки томон томонидан имзоланган ва муҳрланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

10.7. Ушбу шартнома иккита ҳақиқий нусхада тузилган.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БУЮРТМАЧИ”

“Ўқув таълим-таъминот” ДМ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 49Б-уй.
Х/р (ғазна): 100010860262667096511075022
Банк: “Ипотека банк” АТИБ Меҳнат ф-ли
Кафолат маблағларини қабул қилиш махсус
х/р: 20210 000 7 00101561 002
МФО: 00423, СТИР: 200524742
Тел.: +998 (55) 501-33-53

Директор  **Б.Исламов**




“Ижрочи”

“WORLD TECH” МЧЖ

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, М.Бобур кўчаси, 3-уй.
Банк: “INVEST FINANCE BANK” ХАТБ
Тошкент вилояти филиали
Х/р: 2020 8000 3008 6905 9001
МФО: 01056, СТИР: 305 478 739
Тел.: +998 (97) 143-43-49

Директор  **Ш.Арабов**



2022 йил "22" августдаги
29/22-М15-сон шартномага
1-илова

2022 йилда қурилиш-таъмирлаш дастурига киритилган умумтаълим мактаблари учун харид қилинадиган кимё, физика лаборатория хоналари учун мебель жихозларининг рўйхати, миқдори ва нархи

№	Жихозлар ва синф хоналар номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	Жами сони:	Суммаси	шундан ҳудудлар бўйича:																					
						Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри								
	Жами:				8 975 179 460,0																						
	Физика лаборатория хонаси (STEEM)				5 104 831 680,0	2																					
	Ўқув мебеллари																										
1	Ўқитувчи тажриба столи	тўплам	12 764 400,0	47	599 926 800,0	2	7	3	10	3		6	3	5	1	6								1			
2	Ўқувчи столи №6 (1 дона стол, 2 дона стул)	тўплам	7 542 600,0	564	4 254 026 400,0	24	84	36	120	36		72	36	60	12	72									12		
3	Жавон (лаборатория жихозларини сақлаш учун) металлческий 800 мм(±10 мм). 400 мм(±10 мм). 1880 мм(±10 мм)	дона	2 668 920,0	47	125 439 240,0	2	7	3	10	3		6	3	5	1	6								1			
4	Жавон (лаборатория хонаси учун) металлческий 800 мм(±10 мм). 400 мм(±10 мм). 1880 мм(±10 мм)	дона	2 668 920,0	47	125 439 240,0	2	7	3	10	3		6	3	5	1	6								1			
	Кимё ва биология лаборатория хонаси (STEEM)				3 870 347 780,0	2																					
	Ўқув мебеллари																										
1	Ўқитувчи тажриба столи	дона	10 540 300,0	47	495 394 100,0	2	7	3	10	3		6	3	5	1	6								1			
2	Ўқувчи столи №6 (1 дона стол, 4 дона стул)	тўплам	7 929 400,0	282	2 236 090 800,0	12	42	18	60	18		36	18	30	6	36									6		
3	Жавон (лаборатория жихозларини сақлаш учун)	дона	2 668 920,0	93	248 209 560,0	4	14	5	20	6		12	6	10	2	12								2			
4	Жавон (кимёвий реактивларни сақлаш учун)	дона	5 105 760,0	47	239 970 720,0	2	7	3	10	3		6	3	5	1	6								1			
5	Жавон (лаборатория хонаси учун)	дона	2 668 920,0	47	125 439 240,0	2	7	3	10	3		6	3	5	1	6								1			
6.1	Мўрили жавон	дона	10 942 570,0	47	514 300 790,0	2	7	3	10	3		6	3	5	1	6								1			
6.2	Мўрили жавон	дона	10 942 570,0	1	10 942 570,0	1																					



Б.Исламов



Ш.Арабов

2022 йил " 22 " августдаги
29/22-М15-сон шартномага
2-илова

ТЕХНИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ

№	Наименование	Ед. изм.	Габаритные размеры	Нормативный документ	Техническое описание
МЕБЕЛЬ ДЛЯ КАБИНЕТА ФИЗИКИ					
1	Стол демонстрационный для кабинета физики	шт.	Длина 1600мм(± 10 мм); Ширина 750мм(± 10 мм); Высота 750мм(± 10 мм)	ГОСТ 22046-2016	<p>Стол демонстрационный предназначен для установки в кабинетах физике и физических лабораториях для демонстрации различных опытов для учеников.</p> <p>Столешница стола изготовлена из HPL плиты которая имеет высокую стойкость к химическим реактивам, кислотам, щелочам, растворителям, дезинфицирующим растворам. HPL плита толщиной 10 мм, также имеет стойкость к царапанью и поверхностному износу.</p> <p>Основание стола изготовлено из листового материала T= 1,0 мм. Все металлические поверхности каркаса покрыты полимерно-порошковой краской, устойчивой к агрессивным средам.</p> <p>На столе предусмотрен выдвижной ящик и тумбы с полками для хранения инструментов. В нижней тумбе стола смонтирован основной пульт, который позволяют производить подачу электропитания напряжением 42V на каждый стол где установлена пульты для организации лабораторных работ. На основном пульте расположены два автомата для подключения общего напряжения 42V. Девять включателей для подачи напряжения на один пульт преподавателя и восемь пультов, расположенных на столах в кабинете. Датчики в количестве две шт. которые показывают входное напряжение (220V) на пульт преподавателя и выходное напряжение (42V) для подачи на девять пультов.</p> <p>На основном пульте также расположены, розетка на 220V для преподавателя и предохранитель в корпусе, также снизу на каркасе стола закреплен трансформатор 220/42V.</p> <p>Тумбы стола снабжены регулируемыми опорами для устойчивости на поверхностях, имеющих неровности.</p>

2	Стол физический ученический (стол-1, стул-2)	комп.	<p>Длина 1200мм(±10 mm). Ширина 600мм(±10 mm). Высота до столешницы 760мм(±10 mm). Высота от пола до сиденья 460 mm(±10 mm), ширина сиденья не менее 360 mm(±10 mm), эффективная глубина сиденья (допускается отклонение минус 20) 400 mm(±10 mm), ширина спинки не менее 320 mm(±10 mm), высота верхнего края спинки над сиденьем не более 400 mm(±10 mm), высота нижнего края спинки над сиденьем 190 mm(±10 mm).</p>	ГОСТ 22046-2016	<p>Стол для лабораторный физический предназначен для установки в кабинетах физики средних школ. Каркас стола выполнен из профильной трубы 30x30 толщина стенка 1,2мм. Нижняя и верхняя част каркаса выполнены из листового материала толщиной 1,0мм. декоративный вставки с двух сторон каркаса и экран выполнены также из листового материала толщиной 1,5мм. Столешница изготовлена из специального ударопрочного материала HPL стойкого к агрессивным средам. Каркас стола покрыт полимерно порошковой краской. На столешнице установлен пульт который оснащен розеткой 42v позволяющей использовать необходимые инструменты и приспособления для проведения опытов по предмету физике (паяльник, блок питания и генераторы). В пульт также встроены вольтметр и амперметр для снятия напряжения и измерения сила тока при проведения лабораторных работ. Также имеется выход для подключения разъемов 1,5v; 3v; 6v и 12v. На пульт подается безопасное напряжения 42v. Одновременно за столом могут проводит занятия два ученика.</p> <p>Стул: Каркас стула изготовлен из мебельной трубы овального сечением 40*20*1,5мм и 25*25*1,2мм на основе технологии гибки и сварки, окрашен полимерно-порошковой краской, торцы закрыты полиэтиленовыми заглушками. Сидение и спинка стула. Сиденье и спинки стула изготавливаются из гнотоклееной фанеры (9mm) и покрыты лаком в 3 слоя. Сиденье имеет углубление 10 mm, расположенное от переднего края на 2/3 минимальной глубины. Передняя кромка сиденья закруглены радиусом 30mm и 50 mm. Угол наклона спинки стула 98о гр. Спинка стула жестка и профилирована. Сиденье и спинка крепятся к каркасу при помощи сквозных болтов. Крепёжные детали не выступает за габарит стула.</p>
3	Шкаф для хранения лабораторный посуды		<p>Длина 800 мм(±10 mm), Ширина 400 мм(±10 mm), Высота 1880 мм(±10 mm).</p>	ГОСТ 16371-2014	<p>Шкаф предназначен для хранения лабораторной посуды и оборудования. Корпус шкафа представляет собой цельносварную металлическую конструкцию на регулируемых опорах. Вся металлическая поверхность шкафа окрашена высокоустойчивым полимерным покрытием. На фасадной части шкафа установлены распашные двери запирающиеся на ключ. Внутри имеются полки.</p>
4	Шкаф лабораторный		<p>Длина 800 мм(±10 mm), Ширина 400 мм(±10 mm), Высота 1880 мм(±10 mm).</p>	ГОСТ 16371-2014	<p>Шкаф предназначен для хранения лабораторного оборудования. Корпус шкафа представляет собой цельносварную металлическую конструкцию на регулируемых опорах. Вся</p>

					металлическая поверхность шкафа окрашена высокоустойчивым полимерным покрытием. На фасадной части шкафа установлены распашные двери запирающиеся на ключ. Внутри имеются полки.
МЕБЕЛЬ ДЛЯ КАБИНЕТА ХИМИИ И БИОЛОГИИ					
1	Стол демонстрационный для кабинета химии и биологии		Длина 1600мм; Ширина 750мм; Высота 750мм	ГОСТ 22046-2016	<p>Стол демонстрационный предназначен для установки в кабинетах химии и химических лабораториях для демонстрации различных опытов для учеников.</p> <p>Столешница стола изготовлена из HPL плиты которая имеет высокую стойкость к химическим реактивам, кислотам, щелочам, растворителям, дезинфицирующим растворам. HPL плита толщиной 10 мм, также имеет стойкость к царапанью и поверхностному износу.</p> <p>Основание стола изготовлено из листового материала Т= 1,0 мм. Все металлические поверхности каркаса покрыты полимерно-порошковой краской, устойчивой к агрессивным средам.</p> <p>На столе предусмотрен выдвижной ящик и две тумбы с полками для хранения инструментов. Тумбы стола снабжены регулируемыми опорами для устойчивости на поверхностях, имеющих неровности.</p>
2	Стол ученический химический (стол-1, стул-4)		Длина-1540 мм. ширина- 1080мм. высота-760мм.	ГОСТ 22046-2016	<p>Стол ученический (для STEAM класса по химии и биологии) предназначен для установки в кабинетах химии средних учебных заведений.</p> <p>Стол состоит из двух металлических ножек выполненного из профильного трубы 50x30 и боковых стенок ножек выполнена из листового материала толщиной Т-1мм.</p> <p>В средней части ножек установлен специальный шкаф который предназначен для установки в нём сливной арматуры под раковиной, а также на нём установлены четыре розетки 42V для проведения лабораторных работ. Экраны и рамка закреплена на тумбу и к ножками стола. Экраны стола изготовлены из листа толщиной 1,5мм. Рамка из металлический трубы 20x40.</p> <p>На собранную каркас установлена столешница из: HPL плиты которая имеет высокую стойкость к химическим реактивам, кислотам, щелочам, растворителям, дезинфицирующим растворам. HPL плита толщиной 10 мм, также имеет стойкость к царапанью и поверхностному износу. В средней части столешницы мойка и два крана подачи воды для мытья рук и лабораторный посуды. Ножки стола регулируются по высоте, что позволяет компенсировать неровность пола.</p>

				<p>Все металлические поверхности каркаса покрыты полимерно-порошковой краской, устойчивой к агрессивным средам. Стол рассчитан на одновременную посадку четырёх учеников.</p> <p>Стул: Каркас стула изготовлен из мебельной трубы овального сечением 40*20*1,5мм и 25*25*1,2мм на основе технологии гибки и сварки, окрашен полимерно-порошковой краской, торцы закрыты полиэтиленовыми заглушками. Сиденье и спинка стула. Сиденье и спинки стула изготавливаются из гнотоклееной фанеры (9mm) и покрыты лаком в 3 слоя. Сиденье имеет углубление 10 mm, расположенное от переднего края на 2/3 минимальной глубины. Передняя кромка сиденья закруглены радиусом 30mm и 50 mm. Угол наклона спинки стула 98о гр. Спинка стула жестка и профилирована. Сиденье и спинка крепятся к каркасу при помощи сквозных болтов. Крепёжные детали не выступают за габарит стула.</p>
3	Шкаф для хранения лабораторной посуды		<p>Длина 800 мм(±10 мм), Ширина 400 мм(±10 мм), Высота 1880 мм(±10 мм).</p>	<p>ГОСТ 16371-2014</p> <p>Шкаф предназначен для хранения лабораторной посуды и оборудования. Корпус шкафа представляет собой цельносварную металлическую конструкцию на регулируемых опорах. Вся металлическая поверхность шкафа окрашена высокоустойчивым полимерным покрытием. На фасадной части шкафа установлены распашные двери запирающиеся на ключ. Внутри имеются полки.</p>
4	Шкаф для хранения химических реактивов		<p>Длина-600 мм(±10 мм), Ширина-600мм(±10 мм), Высота-2000 мм(±10 мм).</p>	<p>ГОСТ 16371-2014</p> <p>Шкаф предназначен для хранения сухих хим. реактивов и неагрессивных жидкостей. Корпус шкафа представляет собой цельносварную металлическую конструкцию на регулируемых опорах с 2-мя дверями и ящиком. Вся металлическая поверхность шкафа окрашена высокоустойчивым полимерным порошковым покрытием. В верхней и средней части шкафа имеются по -3 полки. В нижнюю часть шкафа встроен выдвижной ящик. Шкаф оснащен вентилятором. Задние стенки снабжены перфорированными отверстиями для проветривания. Дверцы шкафа запираются на ключ.</p> <p>В комплектацию шкафа включены:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Электрический провод 2 м - электро-вилка - патрубков для вентилятора
5	Шкаф лабораторный		<p>Длина-800 мм(±10 мм), Ширина-400 мм(±10 мм), Высота-1880 мм(±10 мм).</p>	<p>ГОСТ 16371-2014</p> <p>Шкаф предназначен для хранения лабораторного оборудования. Корпус шкафа представляет собой цельносварную металлическую конструкцию на регулируемых опорах. Вся металлическая поверхность шкафа окрашена высокоустойчивым полимерным покрытием. На фасадной части шкафа установлены</p>

				распашные двери запирающиеся на ключ. Внутри имеются полки.
6	Вытяжной шкаф демонстрационный	Длина 900мм(±10 mm); Ширина 650мм. (±10 mm); Высота 1900мм(±10 mm).	ГОСТ 16371-2014	<p>Шкаф вытяжной предназначен для применения в учебных учреждениях и химических лабораториях.</p> <p>Шкаф вытяжной разборной конструкции, состоящий из верхней (вытяжной камеры) и нижней (основание стола) частей. Основание стола –металлический каркас из профильной трубы и листа (сталь ст 3), покрыт эпоксидной порошковой краской, нетоксичной, пожаробезопасной, устойчивой к ударам, сколам, средствам дезинфекционной обработки способом протирания. В нижней части стола имеются 2 распашные двери со встроенными в них замками. Внутри имеются полки для хранения лабораторных принадлежностей.</p> <p>Вытяжная камера изготовлена из профильной трубы и листового металла, с использованием гибки.</p> <p>Столешница выполнена из: HPL плиты которая имеет высокую стойкость к химическим реактивам, кислотам, щелочам, растворителям, дезинфицирующим растворам. HPL плита также имеет стойкость к царапанию и поверхностному износу.</p>

БУЮРТМАЧИ
“Ўқув таълим-таъминот” ДМ



Б.Исламов

ИЖРОЧИ
“WORLD TECH” МЧЖ



Ш.Арабов

2022 йил “22” августдаги
29/22-М15-сонли шартномага
3-илова

Етказиб бериш манзиллари


№	Худуд номи	Манзили
1	Қорақалпоқистон Республикаси	Тахияташ шаҳри, Гидроузел кўчаси, 4-уй
2	Андижон вилояти	Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 10-уй
3	Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри, Афросиёб кўчаси, 7/3-уй
4	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри, “Раволлик” маҳалласи, М.Ашуров кўчаси, 4-уй
5	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри, “Шайхали” маҳалласи, Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй
6	Навоий вилояти	Навоий шаҳри, Аль-Бухори кўчаси, 2а-уй
7	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, Мингчинор мавзеси, Завкий кўчаси, 1а-уй
8	Самарқанд вилояти	Самарқанд вилояти, Спитамен шох кўчаси, 274а-уй
9	Сурхандарё вилояти	Термез шаҳри, Т.Мирзаев кўчаси, 55-уй
10	Сырдарё вилояти	Гулистон тумани, “Оқ олтин” маҳалласи, А.Абдуллаев кўчаси, 75-уй.
11	Тошкент вилояти	Қибрай тумани, Марказий кўчаси, “Маткобилов” ҚФЙ, Дурмон қишлоғи
12	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри, Тантана кўчаси, 6-уй
13	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри, Ханка 4 берк кўчаси, 154а-уй
14	Тошкент шаҳри	Учтепа тумани, Х.Ғофуров кўчаси, 14-уй

БУЮРТМАЧИ
«Ўқув таълим-таъминот» ДМ



Б.Исламов

ИЖРОЧИ
“WORLD TECH” МЧЖ



Ш.Арабов



Тошкент шаҳри
22 август 2022 йил
№01/033

ХУЛОСА

(шартнома лойиҳасининг қонунийликка мувофиқлиги юзасидан)

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонуни асосида ҳаракат қилувчи «ALBATROSS CONSULTING» адвокатлик бюроси адвокати Курбонов Раҳзбек Маматқаримович (лицензия №ТН 002030, 19.10.2021 йилда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан берилган), 16.03.2022 йилда тузилган 01/04-сонли шартнома асосида, «O'QUV TA'LIM TA'MINOT» ДМ (Буюртмачи) билан "WORLD TECH" МЧЖ (Ижрочи) ўртасида 22.08.2022 йилда тузилган 29/22-М15-сонли шартномани Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни 21-моддаси тартибида ҳуқуқий экспертизадан ўтқадим.

Шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида адвокатлик бюросига маълум бўлган, мазкур шартномани бевосита ёки билвосита тартибга солинган барча қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди.

Ҳуқуқий экспертизага тақдим қилинган шартнома қуйидагилар билан тартибга солинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;
2. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни.

Юқорида тилга олинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, шартнома тузиш эркинлиги принципига асосан, ўзаро манфаатдорлик нуқтайи назардан тузилган мазкур шартномада, шартнома тузиш учун ўзаро келишиш лозим бўлган барча масалалар юзасидан келишувга эришилган, жумладан лойиҳада: шартнома предмети, бажариш муддатлари, ўзаро ҳисоб китобларни амалга ошириш тартиби, махсусот етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тарафларнинг мажбуриятлари, мажбуриятлар бажарилмаслигининг оқибатлари, низоларни ҳал қилиш тартиби, тарафларнинг реқвизитлари, шартнома тузиш вақти ва жойи, қўлланиладиган ҳуқуқ юзасидан келишувга эришилган.

Шартномада назарда тутилган жавобгарлик чоралари ва низоларни ҳал қилиш тартиби, коррупцияга қарши шартлар амалдаги қонунийлик талабларига мувофиқ тарзда белгиланган.

Баён қилинганларга мувофиқ экспертизага тақдим қилинган лойиҳа асосида шартнома тузиш мумкин деб ҳисоблайман.

Мазкур ҳулоса адвокатлик бюросига тақдим қилинган ҳужжатлар асосида берилди.

Тақдим қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун адвокатлик бюроси жавоб бермайди.

Адвокат Р.М.Курбонов
хизмат гувоҳномаси №2385, 18.08.2021 йилда
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан берилган.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

«O'QUV TA'LIM- TA'MINOT»
DAVLAT MUASSASASI

O'zbekiston, Toshkent sh., 100194, Yunusobod-13, 49-"b" uy.

Tel.:(998 55)-501-24-44

Web-sayt: talimtaminot.uz e-mail: talimtaminot@mail.ru,

e-xat: talimtaminot@exat.uz



MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

STATE AGENCY
«O'QUV TA'LIM- TA'MINOT»

Yunusabad 13, 49b, Tashkent, Uzbekistan, 100194.

Tel.:(998 55)-501-24-44

Web-sayt: talimtaminot.uz e-mail: talimtaminot@mail.ru,

e-xat: talimtaminot@exat.uz

2022 y. " 07 " сентябрь .

01-22 / 474 - sonli

**Тошкент шаҳри бўйича
ғазначилик бошқармаси бошлиғи
М.М.Зариповга**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиригинг 2022 йил 21 июндаги 201-сонли буйруғига асосан "Ўқув таълим-таъминот" давлат муассасаси томонидан 2022 йилда қурилиш-таъмирлаш дастурига киритилган умумтаълим мактаблари учун харид қилиниши белгиланган спорт анжомлари ҳамда физика, химия ва биология хоналари (STEEM) учун мебель жиҳозлари бўйича тендер савдолари ўтказилган.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон республика товар-хона ашё биржасининг (etender.uzex.uz) махсус ахборот порталида эълон жойлаштирилганда 22110006127484-сонли лотда 4252110 ва 4354990 харажат моддалари танланган ва 22110006127447-сонли лотда 4354910 харажат моддаси танланган.

Бугунги кунда юқорида кўрсатиб утилган лотлар бўйича тендер савдолари ўрнатилган тартибда ўтказилганлиги ва ғолиб деб топилган ташкилотлар билан тегишли шартномалр имзоланганлигини инобатга олиб, Сиздан ушбу шартномаларни рўйхатдан ўтказилишига амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Эълон жойлаштириш жараёнида танланган классификатор кодлари ва харажатлар моддаси илова қилинмоқда.

Илова: 3 - варақда

Директор

Б.Исламов

Ижрочи: К.Додоев

Тел.: 55 501-33-60

2022 йилда қурилиш-таъмирлаш дастурига киритилган умумтаълим мактаблари учун харид қилинадиган спорт анжомларининг рўйхати, миқдори ва бошланғич нархи

№	Харажатлар моддаси	Жихозлар ва синф хоналар номи	Классификатор коди	Ўлчов бирлиги	Нарх	Жами сони:	Суммаси
		Спорт зал учун жихозлар				71	5 975 002 129,0
		Спорт зал ўлчами					
1	4252110	Дори қутиси	Аптечки, сумки санитарные 21.32.26.100-00001	тўплам	127 104,0	82	10 422 528,0
2	4354990	Гимнастик эшак	Козел гимнастический 32.30.14.112-00011	дона	1 264 239,0	82	103 667 598,0
3	4354990	Дастакли гимнастик эшак	Конь гимнастический 32.30.14.112-00004	дона	2 249 867,0	82	184 489 094,0
4	4354990	Таянч сакраш учун гимнастика эшаги	Конь гимнастический 32.30.14.112-00004	дона	2 125 214,0	82	174 267 548,0
5	4354990	Гимнастика ўтиргич	Скамья гимнастическая 32.30.14.112-00003	дона	823 589,0	334	275 078 726,0
6	4354990	Турник (перекладина)	Турник разнохватовый 32.30.14.119-00002	тўплам	1 757 443,0	82	144 110 326,0
7	4354990	Параллел брус	Брусья гимнастические 32.30.14.112-00007	дона	4 695 779,0	82	385 053 878,0
8	4354990	Гимнастик тўнка	Бревно гимнастическое 32.30.14.129-00009	дона	2 958 791,0	82	242 620 862,0
9	4354990	Югуриб келиб сакраш учун кўприкча	Мостик гимнастический 32.30.14.112-00006	дона	955 202,0	82	78 326 564,0
10	4354990	Арконли ҳалкалар (гимнастик)	Кольца гимнастические 32.30.14.112-00016	тўплам	1 188 326,0	164	194 885 464,0
11	4354990	Лазания учун аркон	Канат для лазания 32.30.15.299-00001	дона	540 407,0	164	88 626 748,0
12	4354990	Швед жавони	Стенка гимнастическая 32.30.14.112-00012	дона	1 115 942,0	334	372 724 628,0
13	4354990	Гимнастик матрас (тўшак)	Мат гимнастический 32.30.14.129-00007	дона	737 305,0	832	613 437 760,0
14		Турли хил гантеллар:		жуфт			
14.1.	4252110	2 кг	Гантель 32.30.14.119-00004	шт.	107 800,0	662	71 363 600,0
14.2.	4252110	4 кг	Гантель 32.30.14.119-00004	шт.	138 600,0	662	91 753 200,0
14.3.	4252110	6 кг	Гантель 32.30.14.119-00004	шт.	169 400,0	662	112 142 800,0
14.4.	4252110	8 кг	Гантель 32.30.14.119-00004	шт.	200 200,0	662	132 532 400,0
15	4252110	Гимнастик гардиш	Обруч гимнастический 32.30.14.112-00010	дона	42 125,0	1 275	53 709 375,0
16	4252110	Гимнастик таёклар	Палка гимнастическая 32.30.14.120-00001	дона	26 959,0	1 275	34 372 725,0
17	4252110	Секундомер	Секундомер электронный 26.52.12.140-00001	дона	62 000,0	164	10 168 000,0
18	4354990	Енгил атлетика дастаклари	Стартовые колодки легкоатлетические 32.30.14.113-00008	дона	537 385,0	164	88 131 140,0
19	4252110	Футбол тўпи	Мяч футбольный 32.30.15.231-00004	дона	140 000,0	1 245	174 300 000,0
20	4252110	Баскетбол тўпи	Мяч баскетбольный 32.30.15.231-00001	дона	140 000,0	1 245	174 300 000,0
21	4252110	Волейбол тўпи	Мяч волейбольный 32.30.15.231-00002	дона	140 000,0	1 245	174 300 000,0
22	4252110	Гандбол тўпи	Мяч гандбольный 32.30.15.231-00003	дона	140 000,0	1 245	174 300 000,0
23	4354990	Волейбол устунлари тўри билан	Стойка волейбольная 32.30.15.112-00003	тўплам	1 345 714,0	164	220 697 096,0
24	4252110	Насос	Насос универсальный для накачивания мячей 32.30.15.111-00001	дона	72 539,0	249	18 062 211,0

№	Харажатлар моддаси	Жихозлар ва синф хоналар номи	Классификатор коди	Ўлчов бирлиги	Нарх	Жами сони:	Суммаси
25	4252110	Шахмат соатлари	Часы шахматные 32.40.42.191-00003	дона	268 863,0	331	88 993 653,0
26	4354960	Баскетбол нишони (халка ва тўр билан)	Оборудование спортивное уличное 42.99.12.110-00001	дона	1 694 000,0	164	277 816 000,0
27	4252110	Шахмат	Набор для игры в шахматы 32.40.42.191-00001	дона	151 648,0	331	50 195 488,0
28	4252110	Шашка	Набор для игры в шашки 32.40.42.191-00002	дона	63 260,0	331	20 939 060,0
29	4354990	Теннис столи (ракетка ва тўр билан)	Стол для настольного тенниса 32.30.15.115-00002	тўплам	1 874 553,0	328	614 853 384,0
30	4252110	Стол тенниси тўпи	Мяч 32.30.15.113-00006	дона	2 800,0	8 200	22 960 000,0
31	4354990	Армрестлинг учун стол	Стол для армрестлинга 32.30.15.299-00006	дона	1 232 000,0	82	101 024 000,0
32		Тош (8 кг, 16 кг — хаб бир одамга)					
	4354990	8 кг	Гиря 28.29.83.140-00001	дона	133 394,0	246	32 814 924,0
	4354990	16 кг	Гиря 28.29.83.140-00001	дона	261 465,0	246	64 320 390,0
33	4252110	Енгил атлетика учун эстафета таёкчалари	Палочка эстафетная 32.30.14.113-00007	дона	18 223,0	1 245	22 687 635,0
34	4354960	Футбол дарвозаси	Ворота футбольные 32.30.15.113-00001	тўплам	3 421 382,0	82	280 553 324,0

2022 йилда қурилиш-таъмирлаш дастурига киритилган умумтаълим мактаблари физика, химия ва биология хоналари (STEEM) учун мебель жиҳозларининг рўйхати, миқдори ва бошланғич нархи

№	Статья	Жиҳозлар ва синф хоналар номи	Классификатор коди	Ўлчов бирлиги	Нарх	Жами сон:	Суммаси
							9 281 468 000,0
		Физика лаборатория хонаси (STEEM)				47	5 279 040 000,0
		Ўқув мебеллари					
1	4354910	Ўқитувчи тажриба столи	Стол демонстрационный (31.01.12.122-00004)	тўплам	13 200 000,0	47	620 400 000,0
2	4354910	Ўқувчи столи №6 (1 дона стол, 2 дона стул)	Стол ученический (31.01.12.122-00002)	тўплам	7 800 000,0	564	4 399 200 000,0
3	4354910	Жавон (лаборатория жиҳозларини сақлаш учун) металлческий 800 мм(±10 мм). 400 мм(±10 мм). 1880 мм(±10 мм)	Лабораторный шкаф (31.09.11.190-00010)	дона	2 760 000,0	47	129 720 000,0
4	4354910	Жавон (лаборатория хонаси учун) металлческий 800 мм(±10 мм). 400 мм(±10 мм). 1880 мм(±10 мм)	Лабораторный шкаф (31.09.11.190-00010)	дона	2 760 000,0	47	129 720 000,0
		Кимё ва биология лаборатория хонаси (STEEM)				47	4 002 428 000,0
		Ўқув мебеллари					
5	4354910	Ўқитувчи тажриба столи	Стол демонстрационный (31.01.12.122-00004)	дона	10 900 000,0	47	512 300 000,0
6	4354910	Ўқувчи столи №6 (1 дона стол, 4 дона стул)	Стол ученический (31.01.12.122-00002)	тўплам	8 200 000,0	282	2 312 400 000,0
7	4354910	Жавон (лаборатория жиҳозларини сақлаш учун)	Лабораторный шкаф (31.09.11.190-00010)	дона	2 760 000,0	93	256 680 000,0
8	4354910	Жавон (кимёвий реактивларни сақлаш учун)	Лабораторный шкаф (31.09.11.190-00010)	дона	5 280 000,0	47	248 160 000,0
9	4354910	Жавон (лаборатория хонаси учун)	Лабораторный шкаф (31.09.11.190-00010)	дона	2 760 000,0	47	129 720 000,0
10	4354990	Мўрилли жавон	Вытяжной лабораторный шкаф (27.51.15.120-00002)	дона	11 316 000,0	48	543 168 000,0